O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JIZZAX VILOYATI
ZARBDOR TUMANI
HOKIMI
QARORI

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
ЗАРБДАРСКОГО РАЙОНА
ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Manzil: 130600. Zarbdor sh.Mustaqillik shox ko'chasi. zarbdor.t@exat.uz Tel: (8-372) 492-22-46. Faks (8-372) 492-24-95

2019 yil «25» сентября № 4028 Zarbdor shaharchasi

Туман иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги "Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4407-сонли қарорининг ижросини таъминлаш ҳамда туман иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги ПҚ-4407-сонли, вилоят хокимининг 2019 йил 28 августдаги 314-сонли қарорлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

а) Туман иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар 1-иловага мувофиқ;

Туман иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани барқарор ишлашга тайёрлаш;.

Ёқилғи-энергетика тармоғининг барқарор фаолият кўрсатиши;

Кўп квартирали турар жой фондини барқарор ишлашга, аҳоли ва истеъмолчиларни иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлашга тайёрлаш;

Ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш;

б) 0,07 км ичимлик сув қувури ва 41,57 км электр тармоқларини, шунингдек, 13 дона трансформатор подстанцияларини капитал таъмирлашни ўз ичига оладиган асосий муҳандислик коммуникациялари ва технологик асбоб-ускуналарини 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ва капитал таъмирлаш параметрлари 2-иловага мувофиқ;

в) 1 дона қозон, 0,2 км ичимлик сув қувури, 424 км электр тармоқлари, шунингдек, 193 дона трансформатор подстациясини жорий таъмирлашни ўз ичига оладиган асосий муҳандислик коммуникациялари ва технологик асбоб-ускуналарини 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ва жорий таъмирлаш параметрлари 3-иловага мувофиқ;

г) 6 та мактаб, 2 та болалар боғчаси, 1 та мусиқа ва санъат мактабини жорий таъмирлашни ўз ичига оладиган ижтимоий соҳа объектларини 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда капитал ва жорий таъмирлаш параметрлари 4-иловага мувофиқ;

д) Кўп қаватли уйлар ховлисидан 8 та болалар майдончаларини қуриш ва таъмирлаш ҳамда кўп квартирали турар жой фондини 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш параметрлари 5-иловага мувофиқ;

е) Иқтисодиёт тармоқлари учун 1,8 минг. тонна ҳажмида, шу жумладан аҳоли учун 1 минг тонна, бюджет соҳаси ташкилотлари учун 0,87 минг тонна кўмир маҳсулотлари ғамлашни ўз ичига оладиган 2019-2020 йиллар куз-қиш даврига кўмир маҳсулотлари ғамлаш параметрлари 6-иловага мувофиқ;

ж) Аҳолига 453,8 тонна ҳажмида суюлтирилган газ етказиб беришни ўз ичига оладиган 2019-2020 йиллар куз-қиш даврига суюлтирилган газ етказиб бериш параметрлари 7-иловага мувофиқ;

з) Туман иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича ўз ичига оладиган 2019-2020 йиллар куз-қиш даврига туман комиссияси (кейинги ўринларда – туман комиссияси) таркиби 8-иловага мувофиқ;

3. Туман комиссияси раиси ўринбосарлари ва комиссия аъзолари:

а) Бир ой муддатда туман иқтисодиёти тармоқларини 2018-2019 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича бажарилган ишлар натижаларини таҳлил қилиш асосида коммунал соҳа ташкилотлари, қозонхоналар, кўп квартирали уйлар, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқа ижтимоий соҳа объектларини 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш борасида жойлардаги ишларнинг ҳолати танқидий ўрганиб чиқилишини;

б) Ўрганиш натижалари бўйича:

Туман бўйича корхона ва ташкилотлар билан келишилган ҳолда ушбу қарор билан тасдиқланган комплекс тадбирларни амалга оширишнинг батафсил тармоқ жадваллари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши, шунингдек, туман иқтисодиёти ва ижтимоий соҳани 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашга ва таъминлаш параметрлари ўз вақтида бажарилишини таъминласин.

4. Туман комиссияси раиси ўринбосарлари:

Туманда ижтимоий соҳа объектларини, кўп квартирали уйларни бўлажак куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни, маҳаллий автомобиль йўллари, кўчалар ва умумий фойдаланиладиган жойлар, маҳаллий қозонхоналар, иссиқлик, сув қувури ва канализация тармоқларининг маҳаллалар ҳудудларининг санитария ҳолати талабларига мувофиқ тартибга келтирилишини, шунингдек, кўмир маҳсулотлари ғамланишини жойларга чиқиб, шахсан ўз назоратига олсин;

Назорат натижалари бўйича объектларни куз-қиш даврига тайёрлаш учун маъсул бўлган барча тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш, тегишли туман корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрсин.

5. Туман электр таъминоти корхонаси (М.Эргашев), туман газ таъминоти ҳудудий филиали (Б.Аликулов) куз-қиш даврида ёқилғи-энергетика ресурслари, электр энергияси етказиб бериш, трансформатор подстанцияларини таъмирлаш ва уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш ва камчиликларни бартараф этиш учун жойларга чиқиб, аҳоли билан шахсан учрашувлар ўтказсин.

6. Туман электр таъминоти корхонаси (М.Эргашев), туман газ таъминоти ҳудудий филиали (Б.Аликулов), туман "Кўмир омбори" (Б.Бийтанов) асосий ёқилғи-энергетика ресурслари ва кўмир маҳсулотларини барча тоифадаги истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб берилиши бўйича тадбирлар сўзсиз бажарилиши учун шахсан масъул эканлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

7. Туман ҳокимининг ўринбосари (Р.Анқаев) жойларга чиқиб ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш, уларнинг санитария ва ободонлаштириш талабларига мувофиқлигини таъминлаш ишларини ташкил этсин.

8. Туман ҳокимининг ўринбосари (Д.Самиев), Иқтисодиёт ва саноат бўлими (А.Мамиров)лар 2019 йил 4 сентябргача:

2018-2019 қиш-баҳор даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини ғамлашда йўл қўйилган камчиликларни танқидий таҳлил қилиш асосида аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, туман бўйича 2019-2020 қиш-баҳор даври учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларини ғамлашнинг реал ҳажмларини белгиласин, бунда нархларнинг кескин кўтарилиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида картошка, пиёз, сабзи, карам, гуруч ва дуккакли экинлар маҳсулотларини ғамлашга алоҳида эътибор қаратсин;

Ғамланиши керак бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини сақлашнинг зарур шароитларини таъминлаш ҳамда ғамлашнинг тўлиқлиги ва маҳсулотларни зарур тарзда сақланиши учун маъсул шахсларни белгилаш бўйича белгиланган тартибда аниқ таклифларни киритсин.

9. Туман Молия бўлими (Қ.Нурматов) туман комиссиясининг хулосасига кўра зарурат мавжуд бўлган ҳудудларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани куз-қиш даврига тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни ўз вақтида молиялаштириш учун қўшимча захираларни топиш чораларини кўрсин.

10. Туман ҳокимининг ўринбосари (А.Эржигитов) туман иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида тизимли ахборот берилишини таъминласин.

Ушбу қарор бажарилишининг бориши ҳар чоракда туман комиссияси йиғилишларида танқидий кўриб чиқилсин.

11. Туман хокимлиги Ташкилий назарот бўлими бошлиғи Ф.Хамзаев, “Зарбдор” газетаси мухаррири (Ғ.Хамзаев):

Мазкур қарор ҳокимликнинг расмий веб-сайтига ҳамда маҳаллий матбуотда чоп этилсин ва унинг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2018 йил 13 августдаги 1796-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Д.Рахматуллаев, А.Эржигитов, Д.Самиев, Р.Анқаевлар зиммасига юклансин.

14. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI ZARBDOR TUMANI HOKIMLIGI UMUMIY BO'LIM №1

Туман ҳокими **О.Ашурматов**

Туман хокимининг
2019 йил "__" сентябрдаги
__-сонли қарорига
1-илова

Туман иқтисодиёти тармоқларини 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Т.р	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
	I. Иқтисодиёт тармоқларини 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича ташкилий тадбирлар		
1	Туман аҳоли пунктлари, коммунал хўжалиги корхоналари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, ижтимоий соҳа муассасаларини, козонхоналар ва муҳандислик тармоқларини таъмирлашни амалга оширган ҳолда 2019-2020 йиллар куз-қиш мавсумида узлуксиз ишлашини таъминлаш. Аҳолини суюлтирилган газ (овқат тайёрлаш учун), кўмир (мазкур қарорнинг 5-иловаси) ҳамда узоқ ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида яшовчи аҳолини муқобил ичимлик суви (ташиб келтириладиган сувни қўшган ҳолда) манбалари билан узлуксиз таъминлаш бўйича (амалга ошириладиган ишлар, бажарилишига масъуллар, бажариш муддатларини аниқлаган ҳолда) чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, тасдиқлаш ва ижросини белгиланган муддатда амалга ошириш.	Уч кун муддатда	Туман хокимининг ўринбосарлари, тегишли туман корхона ва ташкилотлар
2	Ўтган иситиш мавсумида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этилишини таъминлаган ҳолда аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини иссиқлик энергияси, электр энергияси, табиий газ билан кафолатли таъминлаш бўйича чора-тадбир ишлаб чиқиш.	Уч кун муддатда	Туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими (Ж.Маматқулов), туман электр таъминоти корхонаси (М.Эргашев), туман газ таъминоти филиали (Б.Аликулов)
3	2019-2020 йиллар куз-қиш даври учун иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган нефт, газ конденсати, нефт маҳсулотлари, суюлтирилган газ, кўмир ва кўмир брикети, туз ва бошқа юкларни узлуксиз ташиб етказиб берилиши бўйича чора-тадбир ишлаб чиқиш.	Уч кун муддатда	"Жиззахнефтбаза" МЧЖ Зарбдор филиали (М.Умаров), туман электр таъминоти корхонаси (М.Эргашев), туман газ таъминоти филиали (Б.Аликулов)
4	Аҳоли истеъмолчиларига ойма-ой суюлтирилган газ етказиб бериш бўйича графиклар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Уч кун муддатда	Туман газ таъминоти филиали (Б.Аликулов)
5	Аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш бўйича инфратузилмани ривожлантириш.		

Т.р	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
6	Табиий газ билан кафолатли таъминланадиган ҳудудлардаги истеъмолчиларни табиий газ таъминотини яхшилаш ва манзилли ишлатиш учун суюлтирилган газ таъминотига ўтказилган ҳудудлардаги газ тармоқлари ва газ тақсимлаш шоҳобчалари (ГТШ)ни кесиб олиш (демонтаж) бўйича туман ҳокимининг қарор лойихаларини тайёрлаш.	Уч кун муддатда	туман хокимининг ўринбосари (А.Эржигитов), туман газ таъминоти филиали (Б.Аликулов)
7	Маиший газдан фойдаланиш жараёнида фавқулодда вазиятларни олдини олиш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, ижрога қаратиш.	Уч кун муддатда	Туман газ таъминоти филиали (Б.Аликулов), вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси Зарбдор туманига масъул ходими (Д.Караев), туман ички ишлар бўлими (М.Сарикулов)
8	Кичик ирригация тармоқларини тиклаш учун ўтказиладиган таъмирлаш ишлари бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, бунда мавзелар ичидаги ички тармоқлар ва кўча ҳамда проспектларни инобатга олиш.	Уч кун муддатда	Туман уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш бўлими (Ж.Маматқулов)
9	2019-2020 йиллар куз-қиш мавсумининг кескин совуқ кунлари табиий газ истеъмоли қисқартириладиган улгуржи истеъмолчилар рўйхатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Уч кун муддатда	Туман газ таъминоти филиали (Б.Аликулов)
10	Куз-қиш мавсумида энергия истеъмолининг максимал кучланишли соатлари бўйича электр энергияси таъминотини барқарорлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.	2019 йил 1 сентябрга қадар	Туман электр таъминоти корхонаси рахбари М.Эргашев
11	2019-2020 йиллар куз-қиш даврида электр ва табиий газ тармоғидан ўчирилмайдиган тоифаланган ва ўта муҳим объектлар рўйхатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2019 йил 1 сентябрга қадар	Туман электр таъминоти корхонаси рахбари М.Эргашев
12	Куз-қиш мавсумида ижтимоий соҳа объектларини кўмир махсулотлари билан таъминлаш. Аҳолини кўмир махсулотлари билан таъминлаш	2019 йил 1 сентябрга қадар 2019 йил 15 ноябрга қадар	Туман “Кўмир омбори мудири
13	Ичимлик сув ва канализация тармоқларини таъмирлаш бўйича чора-тадбир ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	Уч кун муддатда	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими (Ж.Маматқулов), “Сувоқова” ДУК (Ш.Қодиров)

Т.р	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
II. 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида ёқилғи-энергетика комплексини барқарор ишлашини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар			
14	Газ етказиб бериш баланс кўрсаткичларини ҳисобга олиб улгуржи истеъмолчилар ва вилоят аҳолисига 2019 йил октябрь 2020 йил апрель ойлари бўйича ойма-ой келишилган табиий газ етказиб бериш жадвалларини ишлаб чиқиш.	2019 йил 1 сентябрга қадар	Туман газ таъминоти филиали (Б.Аликулов)
15	Ҳудудлардаги электр тармоқларини мукаммал таъмирланишини таъминлаш.	2019 йил 1 октябрга қадар	Туман электр таъминоти корхонаси М.Эргашев
16	Аҳолини кўмир брикети билан таъминлаш (мазкур қарорнинг 6-иловасига асосан).	2019 йил 1 декабрга қадар	Туман кўмир омбори мудири, тегишли туман ташкилотлари билан биргаликда
17	Табиий газ танқислиги кутилаётган аҳоли пунктларининг тасдиқланган рўйхатига асосан мазкур аҳоли пунктларидаги истеъмолчиларнинг манзилли рўйхатига кўра ойма-ой суюлтирилган газ ҳажмларини ажратиш ва етказиб бериш.	2019 йил 1 октябрдан 2019 йил 1 апрелга қадар	Туман газ таъминоти филиали (Б.Аликулов)
18	Куз-қиш мавсумида қозонхоналарни узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида ташкилотлар томонидан (мазкур қарорнинг 5-иловасига мувофиқ) зарур ҳажмлардаги суюқ ва қаттиқ ёқилғи захирасини ташкил қилиш.	2019 йил 1 ноябрга қадар	Тегишли туман корхона ва ташкилотлари
19	Ҳудудларда аҳолини суюлтирилган газ ва кўмир ёқилғиси билан таъминлаш масалаларини “Зарбдор” газетаси орқали ёритиш ва аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини фаол олиб бориш.	ҳар ойнинг 10 санасигача	“Зарбдор” газетаси мухаррири алоқадор туман ташкилотлари билан биргаликда
III. 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида кўп хонадонли уй-жой фондини барқарор фаолиятини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар			
20	Ҳудудлардаги ободонлаштириш бошқармаларига қарашли кўча ва йўлларда қиш мавсумида музлик бўлмаслигининг олдини олиш учун зарур бўладиган материал-техник ресурслар ва жиҳозлар тайёрлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.	Уч кун муддатда	Туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи М.Хасанов, Автойўл корхонаси рахбари М.Қаюмов

Т.р	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
21	Кўп хонадонли уй-жой фондини техник фойдаланиш меъёрлари ва қоидаларига кўра уй-жой фондини техник соз ҳолатда сақлаш; кўп хонадонли уйлардаги қурилма ва жиҳозларининг созлиги, ёнғин хавфсизлиги ҳамда санитар-техник қоидаларга риоя қилиниши; кўп қаватли уй-жойларни мунтазам кўрикдан ўтказиш ва жорий таъмирлаш, носозликларни бартараф этиш ва уй ичидаги жиҳозлардаги содир бўлиши мумкин бўлган авариялари бартараф этиш бўйича ташкилий чораларни; умумий йиғилишларда ҳар бир хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарларига баҳо бериш, қайта сайлаш ва уларни алмаштиришни амалга оширилиши; хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раисларининг ҳисоботини аҳоли ўртасида эшитиш тизимини жорий қилишни таъминлаш мақсадида: маҳалла ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича тасдиқланган дастурлари ижросини ташкил қилиш ва ишларни амалга оширишда ҳар бир хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига бириктирилган участка нозирлари, солиқ инспекторлари, санитария эпидемиология маркази, бириктирилган ташкилот ва корхоналар, тижорат банклари масъулларининг иштирокини таъминлаш.	Тасдиқланган тармоқ жадвалига асосан	Туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими Ж.Маматқулов, бириктирилган корхона ва ташкилотлар, тижорат банклари раҳбарлари
22	Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал хўжалиги ташкилотларининг авария-тиклаш ва диспетчерлик хизмати моддий техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан зарурий тадбирларни ишлаб чиқиш.	Уч кун муддатда	Туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими Ж.Маматқулов
23	Кўп хонадонли уйлар, бино ва иншоатларнинг ҳолатини ёнғин хавфсизлиги техник меъёрлари асосида кўрикдан ўтказиш.	2019 йил 1 сентябрга қадар	Туман ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими К.Турсунбоев, туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими Ж.Маматқулов
24	Иссиқлик энергияси олмайдиган кўп хонадонли уйларни аниқлаш. Уларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш чораларини кўриш.	2019 йил 1 сентябрдан 2019 йил 1 ноябрга қадар	Туман уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш Бўлими Ж.Маматқулов
25	Тумандаги кўп хонадонли уй-жойларда таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун тижорат банкларининг мақсадли ва имтиёзли кредит маблағларини ажратиш чораларини кўриш. Бошқарув компаниялари, сервис хизмати кўрсатиш ташкилотлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини қўллаб-қувватлаш учун жорий йилда тижорат банклари томонидан ажратилаётган мақсадли имтиёзли кредит маблағлари ҳажмини ўтган йилларга нисбатан кўпайтириш.	2019 йил 1 октябрга қадар	Тижорат банклари, туман уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш бўлими

Т.р	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
26	Кўп хонадонли уй-жой фондининг 52,9 минг.м2 том қисмини мукаммал ва жорий таъмирланишини таъминлаш.	2019 йил 1 октябрга қадар	Туман уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш бўлими
27	Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига тижорат банклари томонидан ажратилган имтиёзли кредитларнинг мақсадли ишлатилишини доимий мониторинг қилиб бориш.	2019 йил 1 октябрга қадар	Тижорат банклари, туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими
28	Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва хомийларга кўп хонадонли уй-жойларни капитал ва жорий таъмирлаш учун тижорат банклари томонидан ажратилган кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштиришда биноларнинг эксплуатация қилиш муддатлари ҳозирги меъёр ва қоидаларга мос келишини таъминлаш.	2019 йил 1 октябрга қадар	Тижорат банклари, туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими
29	Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига тижорат банклари томонидан ажратилган кредит маблағлари ҳисобидан 214 минг м2 кириш йўлакларини таъмирлаш, 29,6 минг м2 кўп хонадонли уй-жойларнинг тратуарларини бетон қоплама билан таъмирлаш, 117 дона темир31 та уйларнинг ертула қисмини таъмирлаш, 98 дона уйларнинг фасад қисмини таъмирлаш, 316 п/м ирригация тизимларини таъмирлаш, 57та кўп қаватли уйларнинг ёритиш тизимини таъмирлаш.	2019 йил 1 октябрга қадар	Тижорат банклари, туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими, “Таъмирлаш-тиклаш” корхоналари, Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари
30	Кўп хонадонли уйларни қиш даврида фойдаланиш учун режалаштирилган иш ҳажмларини бажариш, иссиқлик тизимини изоляция қилиш, уй-жойларда иссиқлик таъминотининг сифатини яхшилаш чораларини амалга ошириш, ертўла ва том чердакларини текширишни ташкил қилиш, муҳандислик тармоқларининг жойлашуви, иссиклик узатиш пункти, ертўла ва кириш эшикларининг ёпилишини таъминлаш.	2019 йил 1 октябрга қадар	Туман уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш бўлими
IV. Аҳоли ва истеъмолчиларни иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлаш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар			
31	Мукаммал ва жорий таъмирланадиган бир дона қозон, жами 1,3 км иссиқлик тармоқлари, 0,2 км иссиқлик тармоқларини изоляция қилиш манзилли рўйхатини вилоят “Саноат хавфсизлиги” бошқармаси, “Ўздавэнергоназорат” вилоят бўлимларига тақдим қилинишини таъминлаш.	Уч кун муддатда	Туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими
32	18 дона қозонхоналардаги 51 дона қозонларнинг сертификати мавжудлиги ва куз-қиш мавсумига тайёрлиги тўғрисида далолатномалар мавжудлигига эътибор қаратиш.	2019 йил 1 октябрга қадар	Туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими, тегишли туман корхона ва ташкилотлари
33	Ташкилотлардаги қозон жиҳозларини фойдаланишнинг техник талабларига жавоб бериш бўйича кўрикдан ўтказиш ва талабга жавоб бермайдиган қозонларни узиш ишларни амалга ошириш.	2019 йил 1 октябрга қадар	Туман газ таъминоти бўлими Б.Аликулов

Т.р	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
34	Ўз маблағлари ҳисобидан 1,1 км Ичимлик сув тармоқларини мукаммал, 10,6 км сув тармоқларини жорий таъмирлаш.	2019 йил 1 октябрга қадар	“Сувоқова” ДУК Ш.Қодиров
35	Ўз маблағлари ҳисобидан 5,5 км газ тармоқларини мукаммал таъмирлаш,5210 дона газ тақсимлаш пунктларини тафтишдан ўтказиш	2019 йил 1 октябрга қадар	Туман газ таъминоти бўлими Б.Аликулов
36	1142,1 км электр тармоқларини мукаммал, 9498,1 км тармоқларни жорий, 224 дона трансформатор подстанцияларини мукаммал, 2842 дона подстанцияларни жорий таъмирлаш.	2019 йил 1 октябрга қадар	Туман электр таъминоти корхонаси М.Эргашев
V. Ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш даврида барқарор ишлаши бўйича амалга ошириладиган тадбирлар			
37	Ижтимоий соҳа объектларидаги бино ва иншоотларда муҳандислик тармоқлари, шу жумладан хожатхоналарнинг санитария-гигиена меъёрлари талабларига жавоб бериши, қишлоқ жойлардаги ижтимоий тармоқларни зарурий қурилиш материаллари (рубероид, битум, шифер, ойна ва бошқа) билан корхоналарнинг смета харажатларида белгиланган маблағлар ҳисобидан таъмирлаш бўйича зарурий чоралар кўриш.	Тармоқ жадвалига асосан	Туман халқ таълими А.Абдуваитов, соғлиқни сақлаш Н.Насруллаев, касб-ҳунар коллежлари рахбарлари, Мактабгача таълим бўлими мудираси
38	Табиий газ етиб бориши қийин бўлган ҳудудлардаги ижтимоий соҳа объектларида иситиш қозонларини кўмирга мослаштириш ёки, янги қозонларга алмаштириш бўйича ойлик графикларни ишлаб чиқиш ва бунда кўмир ёқилғиси билан таъминлашни назарда тутган ҳолда идоралараро манзилли дастурларни ишлаб чиқиш.	2019 йил 1 сентябрга қадар	Туман халқ таълими А.Абдуваитов, соғлиқни сақлаш Н.Насруллаев, касб-ҳунар коллежлари рахбарлари, Мактабгача таълим бўлими мудираси, Молия бўлими бошлиғи Қ.Нурматов
39	Ижтимоий соҳа объектлари учун сертификатланган, талаб қилинадиган иситиш қозонлари билан таъминлаш чораларини кўриш.	2019 йил 28 августдан бошлаб	Туман халқ таълими А.Абдуваитов, соғлиқни сақлаш Н.Насруллаев, касб-ҳунар коллежлари рахбарлари, Мактабгача таълим бўлими мудираси, Молия бўлими бошлиғи Қ.Нурматов
40	Умумтаълим мактаблари, Мактабгача таълим муассасалари, Соғлиқни сақлаш муассасаларини жорий таъмирлаш	2019 йил 1 сентябрга қадар	Туман халқ таълими А.Абдуваитов, соғлиқни сақлаш Н.Насруллаев, касб-ҳунар коллежлари рахбарлари, Мактабгача таълим бўлими мудираси, Молия бўлими бошлиғи Қ.Нурматов, Маданият бўлими В.Эгамов
41	Уруш ва меҳнат фахрийларига хизмат кўрсатувчи “Мурувват” ва “Саховат” уйлари, реабилитация марказларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш учун комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш.	2019 йил 1 сентябрга қадар	Туман соғлиқни сақлаш бўлими Н.Насруллаев

VI. Тадбирларнинг амалга оширилиши мониторинги			
42	Иқтисодиёт соҳаларини 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашини таъминлаш бўйича белгиланган тадбирларни бажарилиши, тайёргарлик ишларининг боришини комиссиялар томонидан муҳокама қилиш.	ҳар ойда	Туман комиссияси
43	Объектларни 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни кўриб чиқиш ва туман комиссиясига ахборотлар тақдим этиб бориш.	ҳар ойда	Тегишли туман ташкилотлари
44	Мазкур чора-тадбир бандларида белгилаб берилган ҳар бир топшириқлар бўйича масъул туман корхона ва ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар бўйича таҳлилий маълумот ва ахборотларни туман ҳокимлигига тақдим этилишини таъминлаш.	Ҳар ойда	Ижроси учун масъул туман корхона ва ташкилотлари раҳбарлари

Туман ҳокимининг
2019 йил 2[illegible] сентябрдаги
[illegible]-сонли қарорига
2-илова

Асосий мухандислик коммуникациялари ва технологик ускуналарни 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ва мукаммал таъмирлаш
ПАРАМЕТРЛАРИ

Т.р	Худуд номи	Марказий қозонхоналар (дона)		Локал қозонхоналар (дона)		Қозонлар (дона)		Иссиқлик тармоқлари (км)		Ичимлик суви тармоқлари (км)		Газ тармоқлари (км)		Электр тармоқлари (км)		Трансформатор подстанцияси (дона)	
		Жами	шундан мукаммал таъмирлаш	Жами	шундан мукаммал таъмирлаш	Жами	шундан мукаммал таъмирлаш	Жами	шундан мукаммал таъмирлаш	Жами	шундан мукаммал таъмирлаш	Жами	шундан мукаммал таъмирлаш	Жами	шундан мукаммал таъмирлаш	Жами	шундан мукаммал таъмирлаш
1	Зарбдор т.	1				4		0,061		162,9	0,07	270,068		530,70	41,57	208	13

Тузилиш ҳокимининг
2019 йил ___ сентябрдаги
___-сонли қарорига
3-илова

Асосий мухандислик коммуникациялари ва технологик ускуналарни 2019-2020 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ва жорий таъмирлаш
ПАРАМЕТРЛАРИ

Т.р	Ҳудуд номи	Марказий қозонхоналар		Локал қозонхоналар (дона)		Қозонлар (дона)		Иссиқлик тармоқлари (км)			Ичимлик суви тармоқлари (км)		Газ тақсимлаш пунктларини тафтишдан ўтказиш (дона)		Электр тармоқлари (км)		Трансформатор подстанцияси (дона)	
		Жами	шундан жорий таъмирлаш	Жами	шундан жорий таъмирлаш	Жами	шундан жорий таъмирлаш	Жами	шундан жорий таъмирлаш	тармоқларни изоляция қилиш	Жами	шундан жорий таъмирлаш	Жами	шундан газ тақсимлаш пунктларини тафтишдан ўтказиш	Жами	шундан жорий таъмирлаш	Жами	шундан жорий таъмирлаш
1	Зарбдор т.	1				4	1	0,061			162,9	0,2	202	202	530,7	424,0	208	193

Туман хокимининг
2019 йил "26" сентябрдаги
№ 1111-сонли қарорига
4-илова

Ижтимоий соҳа объектларини ҳудудлар бўйича 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича

ТОПШИРИҚ

Т.р	Шаҳар ва туманлар	Мукаммал таъмирлаш										Жорий таъмирлаш						
		Умум таълим мактаблари (дона)		Болалар уйи ва махсус мактаб интернатлари (дона)		Болалар боғчалари (дона)		"Мурувват" ва "Саховат" реабилитация маркази, санатория, уруш ва меҳнат фахрийлари дам олиш муассасалари (дона)		Касалхона ва амбулатор поликлиникалар		Умум таълим мактаблари (дона)	Мактаблардаги ойналарни алмаштириш (кв.м)	Болалар уйи ва махсус мактаб интернатлари "Баркамол авлод" (дона)	Болалар боғчалари (дона)	Касалхона ва амбулатор поликли-никалар	"Мурувват" ва "Саховат" реабилитация маркази, санатория, уруш ва меҳнат фахрийлари дам олиш муассасалари (дона)	Мусиқа ва санъат мактаблари
		жами	шундан мукаммал таъмирлаш	жами	шундан мукаммал таъмирлаш	жами	шундан мукаммал таъмирлаш	жами	шундан мукаммал таъмирлаш	жами	шундан мукаммал таъмирлаш							
1	Зарбдор т.	26		2		13				8		6			2			1

Туман ҳокимининг
2019 йил "__" сентябрдаги
__-сонли қарорига
5-илова

Зарбдор туманида 2019-2020 йилларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида кўп қаватли уй-жойлар ҳамда унга туташ ҳудудларида мукаммал ва жорий таъмирлаш, обод

ПАРАМЕТРЛАРИ

Ҳудудлар номи	Таъмирлана-диган уйлар сони	шу жумладан, иш турлари кесимида:										Уй-жой ҳудудидаги ташки ёритиш тизимини таъмирлаш	Ноконуний қурилмаларни бузиш	Жами қуриладиган ва таъмирланадиган лифт мосламалари сони	шундан	
		Том қисмини таъмирлаш	Кириш йўлагини таъмирлаш ва жиҳозлаш		Ички мухандислик тармокларини таъмирлаш ва жиҳозлаш	Уйларни фасад қисмини таъмирлаш	Жами қуриладиган ва таъмирланадиган болалар майдончаси сони	шундан		Ирригация тизимини таъмирлаш	Тратуарларни бетон қопламаси билан таъмирлаш				Таъмир-лаш (сони)	Қуриш (сони)
		Майдони (минг м2)	Йўлаклар сони (дона)	Темир эшикларни ўрнатиш (кодли кулф билан) (дона)	Ер тўла қисми (дона)	Уйлар сони (дона)		Қуриш (сони)	Таъмирлаш (сони)	Узунлиги (п/м)	Майдони (минг м2)	Ёритиш нукталари сони (дона)				
Зарбдор тумани							8	8								

Сирдарё ҳокимининг
2019 йил "__" "сентябрдаги
__-сонли қарорига
6-илова

2019-2020 йиллар куз-қиш даври учун кўмир маҳсулотларини етказиб бериш ҳудудлар бўйича ҳамда аҳоли учун суюлтирилган газ етказиб бериш
ПАРАМЕТРЛАРИ

т/р	Шаҳар ва туманлар	Кўмир (тонна)														2019 йил октябрь-декабрь ойларидан 2020 йил январь-март ойларигача аҳолига суюлтирилган газ етказиб бериш (тн.)
		Жами	Бюджет ташкилотлари	шу жумладан;		шу жумладан;								шу жумладан;		
						Мактабгача таълими		Ҳалқ таълими		Соғлиқни сақлаш		Касб-ҳунар		Аҳоли жами	кўмир	кўмир брикети
				кўмир	кўмир брикети	кўмир	кўмир брикети	кўмир	кўмир брикети	кўмир	кўмир брикети	кўмир	кўмир брикети			
1	Зарбдор т.	1877	877	228	649	14	40	170	487	5	11	39	111	1000	800	200	453,8

Туман хокимининг
2019 йил 25 сентябрдаги
_____-сонли қарорига
7-илова

2019-2020 йиллар куз қиш мавсумида аҳолига мазут ёқилғиси ва техник туз жамғариш ҳамда суюлтирилган газ етказиб бериш
Параметри

т/р	Худуд номи	2019 йил октябрь-декабрь ойларидан 2020 йил январь-март ойларигача аҳолига суюлтирилган газ етказиб бериш (тн.)	Иссиқлик таъминоти ташкилотлари учун печь ёқилғиси	Иссиқлик таъминоти ташкилотлари учун мазут ёқилғиси	Техник туз	ИОМС
1	Зарбдор т.	453,8				

Туман ҳокимининг
2019 йил "27" сентябрдаги
№ 1/1-сонли қарорига
8-илова

Туман иқтисодиёти тармоқларини 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш бўйича вилоят комиссияси
ТАРКИБИ

1	О.Ашурматов	туман ҳокими, комиссия раиси
2	Д.Рахматуллаев	туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари
3	А.Эржигитов	туман ҳокимининг ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари
4	Д.Самиев	туман ҳокимининг ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари
5	Р.Анқаев	туман ҳокимининг ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари
6	Ж.Маматқулов	туман уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи
7	А.Абдуваитов	туман халқ таълими бошқармаси бошлиғи
8	Н.Насруллаев	туман соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи
9	Лавозимига кўра	тумандаги касб-ҳунар коллежлари директорлари
10	Г.Усманова	туман мактабгача таълим бўлими бошлиғи
11	Қ.Нурматов	туман молия бўлими бошлиғи
12	А.Мамиров	туман иқтисодиёт ва саноат бўлими бошлиғи
13	М.Сариқулов	туман ички ишлар бўлими бошлиғи
14	А.Жўраев	туман давлат санитария эпедемиолгия назорати маркази бош врачи
15	Б.Аликулов	туман газ таъминоти ҳудудий филиали бошлиғи
16	М.Эргашев	Туман "электр таъминоти корхонаси" рахбари
17	Ш.Қодиров	туман "Сувоқова" ДУК рахбари
18	М.Умаров	"Жиззахнефтебаза" МЧЖ Зарбдор бўлими раҳбари

Изоҳ: *комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг ўрнига янги тайинланган ёки вазифасини бажарувчи шахслар комиссия аъзоси ҳисобланади.*